

ТОНТЮЛАДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 63 (65939)
1996 йил, 31 август, шанбаСотувда эркин
наرخда

ХАҚИҚАТНИНГ ЮРАГИДАГИ ВАТАН

Вақт пешиндан оққан эди. Хонага қўлида расм дафтари кутариб олган бола кириб келди.

— Мустақилликка бағишлаб чизгандим буларни, — деди у қўлидагиларни бизга узатаркан.

— Исминг нима? — сурадик чехрасидан дадиллик, шижоат сезилиб турган усмирдан.

— Нурлан. Нурлан Ботиров, Юнусобод туманидаги 97-мактабнинг 8-синфида ўқийман. Шаҳардаги 2-музыка мактабининг мусиқа ва рассомчилик тугарагига қатнашман. Унинг чизгиларига кўз ташлаймиз.


— «Ўзбекистонимиз бойлиги» деб атадим, бу расмни — тушунтира бошлади у. Қаранг, Ўзбекистонимизни гуллар билан ўрадим. Уларга кўнган капалаклар — тинчлик тарафдорлари.

Кузим у чизган суратда-ю, ҳаёлим узоқларга учди. Сен нақадар бахтлисан, мусаввир укагинам. Сенга озод Ўзбекистоннинг беғубор тонглари насиб бўлди. Бизнинг болалигимиз пахтазорнинг аччиқ аёзларида ўтди. Қизил коммунизмнинг ёлгон вас-васаларига гирифторлик, кўзга кўринмас зулм занжирлари ила боғлаб ташланган бутун бир халқнинг қисматини барбод этганди. Дунени титратган боболаримиз шухрати, тарихи вайроналарда қолиб кетганди.

Америкага ҳали Колумб бормаи туриб, неча минг йиллар олдин уни тафаккури билан кашф этган Беруний, аниқ фанлар илми уфқларини очган Хоразмий ва Форобий, юлдузлар жадвалини тузган Улугбек каби буюк боболаримизнинг бутун дунё титраб тан олганда, Абу Али ибн Сино табобатини ер юзидаги барча одамлар қўлаганда, мустақил тузум зўрлик билан уларнинг номларини хиралаштиришга уринди.

Буюк лашкарбоши Темур бобомизнинг ҳарбий дарслигидан ўзлари фойдалана туриб, унинг номини қонхурга чиқаришди. Бутун бошли муқаддас тарихимизга қизил чизик тортишди. Мактаб дарсликларида биз ўзгалар тарихини ўқидик. Инқилобга ҳамду санолар айтдик.

Қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқонларга ўт қуйган, хароб этган, зиёлиларимизнинг умрига зомин бўлган инқилобга қўрқуна ишондик. Ундан сўнг ҳам



70 йилдан ортиқроқ давр мустақил тузум зулми остида яшадик. Бу орада меҳнаткаш, заҳматкаш халқимизнинг устидан «пахта иши» деган жиноий иш қўрилди. Халқимиз ноҳақ ҳақоратланди, ҳурланди.

Не-не диний, тарбиявий китобларимиз ёқиб ташланди, маҷитларимиз бузилди. Худди шу даврда Россияда дин эркинлиги ҳукмрон бўлиб, барча черковлар қайта таъмирланаётган эди.

Бойликларига дунёнинг нигоҳи тушган Ўзбекистонимизнинг пахтаси, пилласи, мрамари, тилласи-ю нефтларига «ога» миз Россия томонидан арзон-гаровга харид қилиб олинган, халқимизнинг қосаси оқармас эди.

Биз яқин кўнларга айтилган сўзимизни Кремль тоғорасига солиб айтардик.

Шукрлар бўлсинки, 1991 йил 1 сентябрда ўз мустақиллигимизни қўлга киритдик. Боболаримизнинг азалий армони ушалди. Сабрли, матонатли ўзбек

халқи дунё кўзгусида борлигича намоян бўлди.

5 йил мобайнида истиқлол шарофати билан Ватанимизда жуда кўп ўзгаришлар бўлди. 1992 йил 2 мартда Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 46-сессияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси БМТга қабул қилинди. 200 дан ортиқ давлатлар жонажон Ўзбекистонимизни тан олишди.

Тарихимиз, қадриятларимиз қайта тикланди. Қадимий шаҳарларимизда таъмирлаш ишлари бонланди. Маориф ва бошқа соҳаларда ислохотлар амалга оширилди. Қанчадан-қанча хорижий давлатлар билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар очилди.

Мустақиллик зиёсидан баҳраманд болалар учун илм эшиклари ланг очилди. Бутунги кунда улар Германия, Англия, Италия, Америка, Туркия каби мамлакатларда бемалол таҳсил

олиш имкониятларига эга. Том маънода адолат, озодликни ўзига дастур қилиб олган дунё олида қад ростлади.

Мусаввир укагинам, Сен чизган Ўзбекистон тимсоли бутун ҳақиқатнинг юрагидир. Токи, бардош, изланиш, ўзликни англаш бу юракда ҳукмрон экан, у енгилмасдир, у абдийдир.

Сен чарчамай қалбимизда истиқлол туфайли уйғонган ўзлик туйғуларини чизгин, сен қирлардаги озод шамоллар рангини чиз, зеро сенинг келажакнинг, бахтинг, шу озодликдадир.

Рўҳлар хушбахт кезар самода

бугун,

Қўлаб кишанлардан озод

инсонни.

Ўқажон, юракда суратини

чиз,

Жон каби муаззам

Ўзбекистони!

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ (факт ва рақамлар)

1991 ЙИЛ

31 АВГУСТ. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинди.

1 СЕНТЯБРЬ. Биринчи марта мустақиллик байрами нишонланди.

30 СЕНТЯБРЬ. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари ҳақидаги Қонунга конституцион мақом бериш ҳақидаги қонун қабул қилинди.

1 НОЯБРЬ. Ўзбекистон Халқ Демократик партиянинг биринчи таъсис съезди бўлиб ўтди.

9 НОЯБРЬ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир гуруҳ маҳалла фаолларини тақдирлаш ҳақидаги Фармони чиқди.

18 НОЯБРЬ. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳақида қонун қабул қилинди.

29 ДЕКАБРЬ. Илк бор демократик асосда президентлик сайлови бўлиб ўтди.

1992 ЙИЛ

4 ЯНВАРЬ. Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини эгаллади.

28 ЯНВАРЬ. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил топди.

30 ЯНВАРЬ. Ўзбекистон Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига қабул қилинди.

2 МАРТ. Ўзбекистон БМТга аъзо бўлди.

10 МАРТ. Ўзбекистон Шимолий Атлантика ҳамкорлиги кенгашига қабул қилинди.

2 ИЮЛЬ. Ўзбекистон Республика Давлат герби қабул қилинди.

8 ОКТЯБРЬ. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил топди.

8 ДЕКАБРЬ. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

10 ДЕКАБРЬ. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинди.

1993 ЙИЛ

2 МАРТ. Вазирлар Маҳкамасининг «Навруз — умумхалқ байрами» ҳақидаги қарори эълон қилинди.

23 АПРЕЛЬ. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ташкил этилди.

18 ИЮНЬ. Президент Ислон Каримов Швейцарияда «Форум Фонд» халқаро иқтисодий ташкилотининг сессиясида нутқ сузлади.

11 ИЮЛЬ. Ўзбекистон «Компас» бутунжаҳон иқтисодий ахборот тизимига қабул қилинди.

20 ИЮЛЬ. Президент Ислон Каримов БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Башир Маликни қабул қилди. Вакил юртбошимизга ишонч ёрлигини топширди.

1 СЕНТЯБРЬ. Улугбек ҳайкали очилди.

17 ДЕКАБРЬ. Андижонда З.М. Бобур ҳайкали очилди.

АРБОБУ АЛЛОМАЛАР ЙИФИНИ

Азиз болалар! Зийрак ақлингиз, уткир зеҳнингиз билан кузатиб бораёйсизки, Ўзбекистон мустақиллиги туйи арафасида жуда кўп эсда қоларли воқеалар бўлиб ўтмоқда. Шулардан бири республикаимиз олий мажлисининг сессиясидир. Унда юртбошимиз Исроил Абдуганиевич Каримов катта нутқ сўзлади. Президентимиз ўз сўзида Ватан тараққиёти йўлида шу вақтгача эришилган муваффақиятлар, қўлга киритган ютуқлар ҳақида гапирди. Йиғилганлар «Буюк хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилишди. Анжуман давомида Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларининг «Амир Темура» ордени билан мукофотлаш, Халқаро олимпия қўмитасининг раҳбари Хуан Антонио Самаранччи «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонлар ҳам ўқиб эшиттирилди. Булардан ташқари йиғилиш қатнашчилари бир қанча қонуларни қайта қуриб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан ҳам маслаҳатлашди.

Сентябрь эшик қоқмоқда



Азал-азалдан халқимизда билимга чанқоқлик туйғуси бор. Бугун дунёни узининг ёруғ тафаккури билан зир титратган боболаримиз шўхрати бунинг яққол далилидир. Ҳадисларда айтилишича, инсон бешиқдан қабргача билим изламоғи даркор. Зеро, умрни безатувчи нур, тўлдирувчи шуур—билимдир.

Ҳар қандай эски тузумдан янгисига ўтиш анча қийин кечади. Шунга қарамасдан ҳаётимизга лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг кириб келаётгани қувонарли ҳодисадир. Бу борада мутахассислар, мактаб ўқитувчиларининг меҳнати сезилмоқда. Наманган вилояти, Чортоқ шаҳридаги 9-мактабнинг дефектология ўқитувчиси Абдумутал Маткаримовнинг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини урганамиз» деган слайд фильми асосида «Рангли алифбо» фильми кўпайтирила бошланди. Фильм мактаб ўқувчилари ва боғча ёшидаги болаларга мулжалланган. Эрта-индин болалар билан гавжумлашадиган мактаб чиндан ҳам билим учоғи, зиё маскани бўлиб қолсин!



Мактаб дуру гавҳар сочар,

Мактаб сизга жаннат очар,

Мактаб жаҳолатдан қочар,

Ғайрат қилиб ўқинг,

ўғлон! —

деб ёзган боболаримизнинг

руҳини шод қилайлик.

ЭНДИ НАВБАТ ЎҚИШГА

— Ёзда роса мириқиб дам олдим-га, дўстим.

— Нималар қилдинг?

— Соғломлаштириш оромгоҳида, саёҳатда бўлдим, зилол сувларда чўмилдим, китоблар ўқидим, эҳе, айта-версам таассуротларим бир олам. Хуллас керагича чиникдим, куч тўпладим, энди навбат ўқишга.

Янеи ўқув йили бошланиши олтидан кўпинча тенгдошларимнинг ана шундай суҳбатлари устидан чиқаман. Дарвоқе, улар: «Энди навбат ўқишга», деб жуда тўғри айтадилар. Ўтган йили ҳам мактабдошларим билан яхши ўқишга аҳд қилганимиз тўғрисида унча-мунча ютуқларга эришдик. Яъни бултур билим масканимизнинг 17 нафар ўқувчиси тўққизинчи синфни битириш арафасида «Аъло ўқувчилар учун» гувоҳномасини олишди. Синфдо-

шим Акмал Қирғизбоев бокс бўйича ўтказилган вилоят мусобақасида ғолиб бўлди. Ойдиной Мирзаматова бўкса Вольболдан шаҳар биринчилиги ғолибаси, Мусожон Турғунов билан Ахлиддин Рўзматов республика акробатикачилари баҳсларида биринчи ва иккинчи ўринларга сазовор бўлдилар. Ахлиддин Рўзматов, Абдулла Мўйинов, Исроил Ҳакимжонов ва бошқаларни мактабимиз фахри десак арзийди.

Хуллас, айтаверсам, гап кўп. Муҳими, Ватанимиз мустақиллигининг 5 йиллиги нишонланаётган ушбу муборак йилда янада яхшироқ ўқиш, спортда, Ватан мудофеасига тайёргарликда янада яхши натижаларга эришиш ниятимиз бор.

Гулнода ОРИПОВА,
Кува шаҳридаги 2-мактаб ўқувчиси.

СОАТ ЎН ТҮРТ БҮЛГАНДА

— Ойиш, мени тезлик билан мактабга олиб борар экансиз.

— Вой болам, ҳали ўқишлар бошланишига вақт бор—ку?

— Обораверинг, ойиш, Насиба опамлар бизга лотин алифбосини ўргатар эканлар.

Она—бола уртасида ана шу савол—жавоблар бўлиб ўтганига ҳам бир ойдан ошди. Ушанда мактабимизда энди биринчи синфга қадам қўядиган болалар учун оромгоҳ ташкил этилган эди. Бундан мақсад жажжипларни ҳам дам олиб, ҳам ҳарф ўрганишлари учун шароит яратиб эди. Кичкинтойлар ҳар кун мактабга соат 8 дан келиб, уларга сабоқ берила бошланди. Танаффус пайтида нонушта қилишди, сайрга чиқишди, турли ҳаракатли ўйинлар ўйнашди. Соат ўн тўрт бўлганда яна овқатланиш ўй-ўйларига тарқалишди. Қувонарлики шу эдики, кичкинтойларни овқатлантириш, дам олдирини, ўқитиш ҳам беғул эди.

Ҳозир мактабимизга билим олишга келувчи биринчи синф ўқувчиларининг ҳаммаси пухта билим олишга шай.

Шерзод МАННОНОВ,
Шаҳрисабз шаҳридаги 13-мактаб ўқувчиси.

ЭЛТА ҚҲИМЛАТЛИҚИ ҚҲИМЛИ МҲК

«Юрти бойнинг ўзи бой», дейишади. Юртинг омон бўлса — сен омонсан. Йилдан йил чирой очиб, қўлгуларини қўйиб нурларидек оламга сочиб, ер юзи одамларига озодлигидан, мустақиллигидан тобора камол топиб бораётганини кўз-кўзлаб турган кишиларимиз чиндан ҳам бахт қучмоқдалар. Эртанги кунга умид билан, эзгу орзу-ниятлар билан шаҳдам одимламоқдалар. Мустақиллик шарофатидан, озод миллат, озод юрт қаҳрамонлари элга танилмоқда. Уларнинг меҳнати, ижоди ва иқтидори рағбатлантирилмоқда.

Байрам арафасида газетамиз жонқуярларидан Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуоти қўмитаси раиси Рустам Шомуродович Шогуломов «Дўстлик» ордени билан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жура Ганиевич Йўлдошев «Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган Халқ таълими ходими» унвони билан мукофотландилар.

Содиқжон ака Маҳкамовнинг меҳнатлари сиз болажон-

ларга кўп сингган. Лаҳзада ҳаётни акс эттирадиган бу сураткашимиз ҳам байрам муносабати билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган журналист» унвонини олди. Шунингдек, ижодкорларимиз Мурод Муҳаммад Дўст, Маҳкам Раҳмонлар ҳам шундай шарафга сазовор бўлдилар.

Ёдингизда бўлса керак, яқинда 50 ёшини нишонлаган Рауф

Қутлов


акангиз сиз газетхонларнинг азиз меҳмони бўлганди. Сизларга ёзган ва ёзажак асарлари ҳусусида дилдан гаплашган. Рауф акангиз Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган журналист унвонини олди.

Мукамбар Раҳимованинг ҳам газетамиз саҳифаларидаги ширин суҳбатларини эсласангиз керак. Сизлар учун кўп ишлар қилиб қўйган, оламингизга гузаллик ва эзгуликни сингдирган Мукамбар опангиз «Ўзбекистон республикасида хизмат курсатган артист» унвонига сазовор бўлдилар. Байрам ара-

фасида тақдирланганлар орасида бастакорингиз Дилором Омонуллаева, Фазила Шукурова ва шоир Шавкат Раҳмонлар ҳам бор.

«Туркистон» газетасида Гули Чехра опангизнинг суюнчак, куюнчак нафасларини сезиб, қаламга олган мавзуларига бефарқ бўлмаганингиз рост. Бугунги кун, аждодлар орзуси, авлодлар мавзуси Гули Чехранинг нигоҳидан четда қолмайди. У эндиликда нафақат ёшлар, балки болалар дунёсига ҳам бефарқ эмас, сабаби Гули Чехра «Тонг юлдузи» нинг собиқ ходими. Биз Алибоева Гулчехра Нарзиевнани ҳам байрам кунларида «Шўхрат» медали билан тақдирланганидан қувондик.

Ҳар бир бажарилган иш ўқув билан гузаллигига, меҳнатсиз буюклик йўқлигига, одам меҳнатини ёйса, меҳнати унинг шўхратини ёйишига мана шу хушхабарлар гувоҳ.



ҚҲШИҚ БАЙРАМИ

Байрамларда қўшиқ айтишади. Дилдан куйлашади.

Қўшиқ байрамида—чи? Қизиқ, байрамнинг ўзи қўшиқ.

Демак, «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўриқ-танловини ташкиллашдан мақсад ҳам

юртимизда ҳамини байрам бўлсин. Куй-қўшиқли айёмлар кулсин. Бағри кенг, меҳри дарё халқни мадҳ этиш,

муқаддас Ватан тупроғи, Мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш мақсадида энди ҳар йили август

ойининг учинчи якшанбаси

«Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами кунини деб эълон қилинди.

Мустақиллик кунлари арафасида Республика қўшиқлар танлови катта муваффақият билан

яқунланди. «Туркистон» саройида бўлиб ўтган бу якуний тадбирда жуда кўп қўшиқлар тингланди. Мамлакатимиз фуқароларидан 54 ми-

нг киши бу тадбирда қатнашганлиги, 10 мингдан зиёд янги қўшиқлар яратилганлиги

— мақсаднинг улутворлигидан далолатдир. Қўриқ-танлов ҳайъати қарорига му-

вофиқ тенгдошингиз Бахтиёр Умировга, Дилшод Каттабекову, «Бойчечак» болалар

хор жамоасига берилган мукофотлар-сизники. Қўшиқ-

қа, куйга ошно қалбда ватан ишқи муҳайе. Қўшиқлари баралла айтилган юртининг

фарзандлари қадди тик, қалби мағрур авлодлардир. Ҳар бир кунингиз байрам бўл-

син!

Болаларсиз Ватан бўлмайдиги,

— Болаларга меҳрсиз бўлган одам энг сўнгги худбиндир, ундан шафқат ва марҳамат кутиб овора бўлма, — дейилган экан қадим китобларнинг бирида. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

— Биласизми, назаримда меҳр фақат бола учун яралгандай ёки бола меҳр учун яралгандай. Айтишларича, меҳр курмай усган боладан келажакда фақат ёвузлик кутиш мумкин экан. Болаларга нисбатан бўлган меҳрсизликни қупол бўлмаса, агар жиноят дейиш мумкин.

Болалигимда мен бир оилани билардим. Дадаси ичиб келиб, болаларига азоб берарди, калтакларди, қорларда болаларини ялангоёқ кучага ҳайдарди. Уша болалар ҳозир анча ёшга бориб қолишган. Энг қизиги, улар ҳам баъзи-баъзида уз болаларига оталарининг «меҳр» услубини қўлаб туришади. Демокчиманки, болаликда юктирилган муҳаббат ҳам, нафрат ҳам енгилмас бўлади. Уни енгиб бўлмайди. Мен ҳар бир ота-она, уқитувчи, тарбиячиларнинг болаларга шафқатли бўлишини, меҳрибон бўлишини хоҳлардим. Зеро, меҳрда, шафқатда ишонч бор. Келажак эса ишончсиз яратилмайди.

— Республика болалар жамғармаси қачон ташкил топган?

— 1988 йил таъсис конференциясида ташкил этилган. Унда Иттифоқ болалар жамғармасининг республика бўлими эдик.

— Вазифаларингиз нималардан иборат?

— Биз уз Низомимизга қараб кам таъминланган, куп болалик оилаларга, ногирон, етим, иқтидорли болаларга ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам курсатамиз.

Тошкент шаҳридаги барча туманлар Тошкент шаҳар болалар жамғармасига қарайди.

Иттифоқ даврида биз булим сифатида тепага қарам эдик. Уларнинг кузатуви остида иш олиб борар эдик. Айтиш мумкинки, болаларимиз қисматини улар билан ҳал қилар эдик. Ташқи дунёдан мутлақо узилган эдик.

Мустақилликдан сунг Америка, Англия, Туркия, Германия каби мамлакатлардан инсонпарварлик ёрдамлари олиб турибмиз. Ҳар бир муаммони шароитга қараб узимиз адолатли ҳал қилаёلمиз. Бировнинг буйругига ҳожат йўқ.

— Яқинда зарур иш билан Навоий вилоятида бўлиб, бевосита вилоят болалар жамғармаси билан қизикдим. Жамғарма раиси Нозик Қўзиева олиб бораётган ишлар билан яқиндан танишдим. Биласизми, балки у олиб бораётган баъзи ишларни Республикага ёйиш керакми, деган фикрга келдим. Нозик она Навоий вилоятидаги моддий ёрдамга муҳтож барча болалар билан қизикади. Ҳар бир ташкилот қарамоғида бўлган етим болаларни мазкур ташкилотлар бошчилигида тўйларини, туғилган кулларини ўтказаяпти.

— Бизнинг барча вилоятларда бўлимларимиз мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ҳам уз олдида қуйган вазифаларни бажараяпти. Яқинда Наманган вилояти «Уйим менинг» — чирогим менинг» тадбирини қўтариб чиқди. Бу тадбирнинг мазмуни: ота-онасиз қолган болаларни қупинча бувилари, амаки ёки бошқа қариндошлари уз қарамоғига олиб утиришади. Худди уша-

нақа оилаларга моддий ёрдам бериллади. Ёки уйи қурилиши борми, ремонт борми, тўйи борми ҳашар билан ўтказилади.

Бундан ташқари Наманган вилоятидаги етим болалар қисматидан хабардор бўлиш масъулиятини ошириб, ҳар юз болага битта ходимни масъул қилиб, унга ойлик маошлар тайинланди. Қани энди бошқа вилоятларда ҳам ана шундай жонқуярлик билан иш олиб боришса.

— Раъно опа, болалар байрамларини яхши кўришади. Мана, мустақиллигимизни беш йиллигини нишонлаш арафасидамыз. Шу муносабат билан болаларга атаб бирор дастур тайёрлаясизларми?

— Булмасамчи! Республикамининг барча вилоятларида болаларга бағишланган «Озодликни куйлаймиз», «Биз ҳурлик болалари» байрам программасини тайёрлашга киришилган. Насиб бўлса бу болажонларимиз учун катта байрамга айланади.

— Мустақиллигимиз, буюк неъматимиздир. Бу неъматдан баҳраманд ҳар қалб бахтиёр. Болалардаги илоҳий сезги ҳар қандай қувончни жуда тез илғайди. Болаларимиздаги шу қувончни сиз қандай кузатаясиз?

Республика болалар жамғармаси шўъба бошлиғи РАЪНО КАРИМОВА:

«АДОЛАТ ВА ОЗОДЛИК ДАСТУРИМИЗ БЎЛАДИ».

— Ҳали-ҳали едимдан чиқмайди, бизнинг болалигимиз қандайдир ҳадиксираш остида утган. Тугрироғи, уша давр чизиб берган чизик бор эди. Уша чизикдан утиш таъқиқланган эди. Мафкуравий кишан руҳимизни чирмовикдай ураб олган эди. Мактабдаги бир кунгилсиз воқеа кечагидай едимда. Синфдошимиз китобдаги Лениннинг суратини билмай туриб йиртиб қўйгани учун қарийб мактабдан ҳайдалган эди.

Тугри, болалигимизда ёруғ лаҳзалар сурури ҳам буларди. Биз янги йил, Май байрамларини орзиқиш билан кутардик. Уша байрамларга атаб тиктирган куйлақларимизни бошимизни остига қўйиб, севинчдан тонгача ухламай чиқардик. Уша шодликлари-миз ҳам таъқиқ ва қурқувга тула эди.

Мен Ўзбекистонимиз озодликка эришганидан буён болаларимизда қатъият, журъдатнинг юксалётганини кураятман. Болалар бугун том маънода мустақил. Уларнинг узини тутиши, хатти-ҳаракатлари, руҳидаги эркинлик мени қувонтиради. Бугун улар жуда дидил. Чунки уларнинг ортида суяниши мумкин бўлган озод Ўзбекистон турибди. Ёш бир тудакни олиб қуринг-а, у узининг уйида барча эркаликларини тортинмай қилади. Узганинг уйида эса тортинди. Худди шу маънода аввал ҳам уз уйимиз саналган Ўзбекистоннинг бошига узгалар ҳукмронлик қиларди. Бугун эса уша ҳукмронлик-

дан ҳалос бўлди. Мафкуравий кишанлардан қутулди. Энди Ватан мустақил, ҳар бир гиёҳу тоғларга-ча, тилла конлари-ю, бутун дунёни лол қолдирган бошқа барча бойликларига-ча бутун мустақил. Шундай экан, уз-уздан болаларимизнинг келажиги бутун, келажиги озод.

— Раъно опа, гапингизни бўлга-

Хурлик кўнғироғи

кистонимиздаги жуда кўп талантли болаларни ўз атрофига йиғади. Қанчадан-қанча булоқларнинг очилишига сабаб бўлади.

— Тугри айтасиз, синглим, бу



ҳақда анчадан буён уйлаб юрардим. Яқин кунларда бу тадбирни амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

— Болаларнинг кўнгли шойига ўхшайди. Ногаҳоний дағал бир сўз, кўполлик, унинг ришталарини узиш ҳеч гап эмас. Бу қизғалдоқ кўнглини, бу шойи кўнглини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан вояга етказиш, камол топтириш лозим деб ўйлайман. Айниқса етим болаларнинг яримта кўнглини кўтариш, авайлаш — буюк иш. Нима деб ўйлайсиз?

— Болалар бахтни даъфатан ва беихтиёр ҳазм қилиб олаверади-лар. Негаки, уларнинг узи табиатларига кура шодлик ва бахтдан иборатдирлар. Худо курсатмасин, бахтсизликни, кулфатни кутаришлари жуда огир. Аввало ҳеч қайси боланинг бошига ота-онасизлик кўнини солмасин.

Биз биламизки, болалар миллатимизнинг келажигидир. Бу келажакни қандай бўлиши бугунги авлод қулидадир. Таъкидлаб утганимдай, биз қаровсиз, етим, шароити огир болаларга ёрдам бериш уларнинг кўнглини кутариш йуналишида иш олиб борамиз. Уларнинг нозик кўнглиларига йўл топишга ҳаракат қиламиз. Келажак учун, озод Ватан учун муносиб фарзанд бўлишларига ҳар қандай ёрдамимизни аямаймиз.

Мен яна бир нарсани айтиб утмоқчи эдим. Тарбиячилар, ота-оналар уқитувчилар миллатимизнинг келажиги бўлган болалар қалбига йўл топа олсинлар. Илло, бу қалб келажакни яратади.

Истиқлол байрами муносабати билан Ўзбекистонимиздаги барча болаларни қутлайман, уларнинг атрофидаги катталарга инсоф, меҳр, муҳаббат тилайман. Дастурингиз адолат, озодлик бўлсин, дейман.

Суҳбатдош Х. АХМЕДОВА.

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

(факт ва рақамлар)

1994 ЙИЛ.

13 АПРЕЛЬ. Юртбошимиз Ислон Каримов Халқаро Олимпия президенти Хуан Антонио Самаранчни қабул қилди.

23 АПРЕЛЬ. «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази ташкил этилди.

5 МАЙ. «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони, Мустақиллик, Дустлик, Жасорат, Шухрат медаллари таъсис этилиши ҳақида қонун қабул қилindi.

28 МАЙ. Илк бор президент кубоги унун теннис буйича халқаро турнир бошланди.

16 ИЮНЬ. Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўмга ўтилди.

18 ИЮЛЬ. Хоразмда Ўзбекистон—Германия қўшма корхонасида дастлабки Мерседес юк машиналари йиғилди.

14 ОКТЯБРЬ. Ўзбекистон Интерпол Бош ассамблеясига қабул қилинди.

1995 ЙИЛ

9 ЯНВАРЬ. Ислон Каримов Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бош қотиби Вильгельм Хойнкни қабул қилди.

15 ФЕВРАЛЬ. Корея Республикасига ташриф чоғида Ислон Каримов шу мамлакатнинг юксак мукофоти — Мутунхва Катта ордени билан тақдирланди.

12 АПРЕЛЬ. Тошкентда Германиянинг «Алкатель» фирмаси ёрдамида беш минг уринли илк бор рақамли электрон АТС ишга туширилди.

25 МАЙ. Мурунговда «Зарафшон — Ньюмонт» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси ишга тушди.

14 СЕНТЯБРЬ. Тошкент Давлат университетига Мирзо Улуғбек номи берилди.

26 ОКТЯБРЬ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов БМТнинг эллик йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг йиғилишида нутқ сузлади.

5 ДЕКАБРЬ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзuida қўшиқлар қурик-танловини ўтказиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

1996 ЙИЛ

23 АПРЕЛЬ. ЮНЕСКО қароргоҳида буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнақи» мавзусида халқаро илмий конференция иш бошлади.

26 АПРЕЛЬ. «Амир Темур» орденини таъсис этиш ҳақида қонун қабул қилинди.

29 МАЙ. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Бош директори Арпид Богш Ислон Каримовга ЖИМТнинг олтин медалини топширди.

25 ИЮНЬ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон билан учрашди.

19 ИЮНЬ. Асакада «Уз-ДЭУавто» Корея—Ўзбекистон қўшма корхонасининг тақдим маросими бўлиб ўтди.

Ватансиз болалар бўлмайдиги

ҚУВОН БОБО, НАБИРАНГ ХУШ - ХАНДОН КЕЛДИ

«Қувон бобо, угил набира курдинг, дуппингни осмонга от. Яқинги-нада кенг дилингга туғиб қуйган кичкинагина, ширингина орзуинг руюбга чиқди. Энди исмини ҳам узинг орзулагандай қўясан».

«Арабқургонча» қишлоғидан булган Адҳамжон ота тонг қоронгусида катта одимлар билан елиб бораркан, ҳаёлидан фақатгина юқоридаги фикрлар утарди. Ушбу муборак кун 1991 йилнинг 1 сентябри тонги эди. Шундай қилиб Фаргона вилояти, Учқўприк туманидаги гузал водий қишлоғида яшовчи Адҳамжон ота Каримовлар хонадонидан уша унутилмас биринчи сентябрда қўшалок байрам бўлди. Шу кун дунёга келган чақалоқнинг исмини Исомжон деб атадилар.

Аллоҳ пок мақсадига етказган бобонинг орзулари мул, ниятлари эзгу ва олий. «Набирагинам исми жисмига монанд булсин. Катта булса буюк Ватанига сидқидилдан хизмат қилиб, халқ ардоғида юрсин, билими, зукколиги билан обру топсин» дуо қилади отахон.

Суратда: Ўзининг тинч-тотув ҳаёти, қишлоқдошларига ибрати билан ҳурмат толган Каримовлар оиласи аъзолари.

Сураткаш: Р. АЛБЕКОВ.



Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

ТЕМУР БОБО

Истиқлолнинг шаббодаси эсганда гир-гир,
Боболарим куз олдидан утганда бир-бир,
Аввал Сизни ёд айладим, улуг жаҳонгир,
Сиз севган юрт мангу обод булгандир бугун,
Темур бобо, руҳингиз шод булгандир бугун.

Сизни ёвуз деганларнинг ўзи ёв экан,
Салтанати қип-қизил қон, ҳам алдов экан,
Бахтимизнинг йўлларида турган ғов экан,
Минг шукурким, ғовлар барбод булгандир бугун,

Темур бобо, руҳингиз шод булгандир бугун.


Бизга сиздан бобомерос — ғолиб туғингиз,
Қалбимизни ловушлар юрак чўгингиз,
Эрк йўлида қўлагайдир порлоқ руҳингиз,
Ҳақ сузингиз бизга қанот булгандир бугун,
Темур бобо, руҳингиз шод булгандир бугун.

Туйингизни байрам қилар бугун мард элим,
Аср оша сизга йўлдош ҳам ҳамлард элим,
Шайнингизга юқтирмагай асло гард элим,
Хотирингиз дилларда ёд булгандир бугун,
Темур бобо, руҳингиз шод булгандир бугун.

Зикрилла НЕЪМАТ,
Бухоро шахри.

КАТТА МЕХР САБАБ

«Очиқюзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узокроқда бўлишга интилдим» деб ёзган эканлар Темур бобомиз. «Қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурган биноларни келиб кўр» деб Оқсарой пештоқларига ёздирган ҳам Темур бобомиз. Яхши ниятлари йўлдоши булган, гузал бинолар қурдириб, халқига очиқюзлилик билан раҳм-шафқат кўрсатишни орзулаган бобомизга атаб пойтахтимизда Темурийлар тарихи давлат музейи қурилди. Музейнинг қисқа муддатларда битказилиб, мустақиллик тантаналари кунларида ишга тушишига сабаб соҳибқиронга булган халқнинг катта



меҳри, меҳнаткашларнинг эътиқод — эъзозидир. Бинонинг шинамлиги, санъаткорона безанганлиги, совутиш ва ёритиш тизимлари, фон-танларининг қурки, жозибаси ҳам меҳр, эътибордандир. Музейни ватандошларимиз Югославиянинг «Торсвик» фирмаси қурувчилари билан ҳамкорликда бунёд этишди.

Элга суянган, элдан айрил-

гунча жондан айрилмоқни афзал қурган Темур бобомиз «Элинг сенга чўзса қўл, унга доим содиқ бўл» деган ақидага амал қилиб яшагани ростлиги шунданмасми?

Пойтахтимизнинг қоқ марказида қад ростлаган музей энг мухташам ва бетакрор иншоот бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

ОЛАМ НУРГА ТЎЛАВЕРСИН



«Боғи эрам» сайлгоҳи. Шаҳримизнинг бу қўркам томошагоҳида бугун катта тантана. Бугун «Булбулча» болалар дастаси, 266-мактаб қошида ташкил этилган «Мукаррама» дастаси, Мирзо Улуғбек туманидаги «Стелла» номли болалар ижодиёти маркази кичкинтойлари ташриф буюришган. Ижодкор, иқтидорли кичкинтойларнинг бу ташрифига Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан суратга олинатган «Олам нурга тўлаверсин» курсатувида иштирок этишлари сабаб эди.

Оппоқ либосда «Хумо қўши» тимсолида сахнага чиққан қизалоқ ҳаракатлари айниқса йиғилганларда катта таассурот қолдирди. 380 — сонли болалар боғчаси тарбияланувчилари томонидан янграган Ўзбекистон Мадҳияси даврага узгача завқ-шавқ олиб кирди. Шун-

дан сўнг цирк артистлари, санъат олийгоҳи талабалари ўз санъатларини намоиш этишди. Шу нарса қувонарли эдики, «Боғи эрам»даги шу кунги ўтказилган барча томошалар, атракцион ўйинлар болаларга бепул қўйиб берилди. Бу ерда ҳозир булган туркиялик меҳмонлар, яъни «Олам нурга тўлаверсин» курсатувида ҳомийлик қилаётган дўстларимиз Туркияда тайёрланган музқаймоқлар, турли хил ширинликлар ва қимматбаҳо эсдалик совғаларини жаҳонларга тўхфа этдилар.

Туркия — Ўзбекистон дўстлиги абадий, узилмас эканлигини бу ерда иштирок этган барча томошабинлар дил сузларида айтдилар.

Болаларнинг қувончи бир олам, таърифи туганмас эди.

Қўёш нурин сочиб кўкда,
Минг жилмайиб

кулаверсин,

Тонгимиз соф, тун

нуралшон,

Олам нурга тўлаверсин.

Суратларда: «Боғи эрам»даги байрам тантаналаридан лавҳалар.



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г -0442. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563
Телефон: 33-44-25

